

Бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча соҳаларда эришадиган ютуқларимиз, она Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши замирида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва кафолатлар мужжасам.



## БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан бундан 21 йил муқаддам қабул қилинган Асосий қонунимиз барча соҳалар каби таълим тизимини ҳам сифат ва мазмун жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, унинг дунё миқёсида кенг эътироф этилиши, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишда мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик, юрт равнақида дахлдорлик руҳида камол топтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги изчил ишларда қонун устуворлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уни изчил амалга ошириш муҳим вазифа сифатида алоҳида белгиланган.

(Давоми иккинчи бетда)



### Tajriba va tahlil

## Жамиятни демократлаштиришга оид меъёрлар янада такомиллаштирилмоқда

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини, аҳолининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлардан хабардорлигини таъминлаш жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартидир. Бу борада ҳуқуқий асослар яратилиши, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда ушбу қонун лойиҳаси Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасини ҳар икки вилоятда синондан ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, нодавлат нотижорат ташиқ

лотлари ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш борасида ўз тақлифларини билдирмоқда. Бу жараёнда ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш имконияти ҳам юзасига келди.

Хусусан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Тадбиркорлар "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини синондан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ҳақида" мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда ёш, касби ва миллатидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли вакиллари иштирок этди.

Сўров иштирокчилари таъкидлаганидек, ушбу чора-тадбирлар Президентимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишнинг таркибий қисмидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда оилани ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб эътиборда. Босиш бу оилаларда хотиржам ва фаровон ҳаётни таъминлашда муҳим ўрин тутуши билан бир қаторда унда камолга етадиган фарзандларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб улайишида муҳим аҳамият касб этади.

### Jamiyatimiz maqsadi

## Оила фаровонлигининг муҳим кафолатлари



Таъкидлаш керакки, жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда оила бекиёс кучдир. Шу боис истиқлолнинг илк йилларида оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Узига хос миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва аъёнлари эътиборга олиниб, Конституциямизга "Оила" боби киритилди. Бош Қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўлини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустақкамлаб кўйилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

### Qonun ko'magi

## Фуқароларнинг муурожаатлари

қонун доирасида ҳал этилмоқда



Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, уни таъминлашнинг мустақкам тизими шакллантирилгани амалда ўз самарасини бермоқда.

Айтиш керакки, бу борада адлия идоралари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг муурожаатла-

ри қонуний муддатларда, ҳолис ва адолатли қўриб чиқилаётгани айтиш шундай мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

### Yangi qonun mohiyati

## Тадбиркорлар учун янги божхона имтиёзлари

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастури изчил амалга оширилаётгани натижасида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани бунга яққол тасдиқлайди.

Бунда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти йўлидаги турли тўсиқларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Йил бошидан бун 21,2 минг янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилгани,

кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 15,2 фоизга ўсгани ва ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 51,2 фоизга етгани мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2001 йилда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

### Bag'rikenglik

## Инсонпарварлик тамойиллари

айбдорнинг қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олишида муҳим ўрин тутуди

Айтиш керакки, ушбу қонуннинг амалга жорий этилиши мамлакатимизда либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Бу қонун билан жиноятларни таснифлаш, жазо тайинлаш ва жазони ўташ борасидаги қоидаларга муҳим янгилıklar киритил-

ди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди. Энг муҳими, халқимизнинг кўп асрлик қадриятларини ўзида мужжасам этган ярашув институти амалга жорий этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Қонунийликни мустақкамлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шarti бўлиб, бу борада мамлакатимизда изчил ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

### Amaliyot

## Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси

у қандай тартибда қўлланилади?

Суд-ҳуқуқ тизимининг бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилгани, қонунчилигимизда инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари мустақкамлашиб, амалда фуқароларимиз манфаатларига хизмат қилаётгани бунинг амалий ифодасидир.

(Давоми иккинчи бетда)



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

2013 йил 8 октябрдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳиятида ҳам тадбиркорлик субъектларига бир қатор қўшимча имкониятлар яратиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим бўлини бўлган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган кўплаб қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Қонунчилигимизда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи мавжуд. Бунинг моҳияти шундан иборатки, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолларда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва чоаниқликлар тадбиркорнинг фойдасига талқин этилади.

Бу принцип тадбиркор ҳуқуқи акс этган барча қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топмоқда. Қабул қилинган янги қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ҳўжалик процессуал кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга ҳам ушбу меъёр киритилган. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган зарур чора-тадбирлар белгилаб берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар

бериш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратишга оид масалалар шулар жумласидандир.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Божхона кодексининг 51-моддаси янги тахрирда баён этилган. Унга кўра, божхона

нинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати янада мустаҳкамланди.

Товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш

*Yangi qonun mohiyati*

# Тадбиркорлар учун янги божхона имтиёзлари



органилари товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилгани ҳақида тахмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлсагина божхона назоратини амалга оширишга ҳақли экани белгиланган.

Муқаддам бундай божхона назоратидан ўтказиш учун қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилишга асослар мавжуд бўлишининг ўзи етарли эди. Эндиликда қонун ҳужжатлари бузилгани ҳақида тасдиқланган асослар мавжуд бўлишининг талаб этилиши божхона назоратини амалга ошириш жараёнида қонунийликка риоя қилинишини таъминлашга замин яратади. Шу билан бирга, ушбу жараёнда товар эгалари-

эса, товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши, шунингдек, товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати айни бир битим бўйича кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкинлиги мазкур қонунда ўз ифодасини топган.

Қонунга биноан Божхона кодексининг 112-моддасидаги айрим нормалар ҳам янги тахрирда баён қилинган. Жумладан, мазкур модданинг қисқинчи қисмига киритилган ўзгартишга кўра, юридик шахслар текширув натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари суммасини, шунингдек, молиявий санкциялар суммасини тўлашни ундириш

тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли экани белгиланган.

Муқаддам тўланмаган божхона тўловлари, тўланмаганлиги факти қачон аниқланганидан қатъи назар, ундирилиши лозимлиги белгилаб қўйилганини ҳисобга олсак, янги меъёрда тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратилгани ойдинлашади. Шунингдек, қарзни тўлаш вақти ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ундириладиган пеня миқдори ҳам камайtirилди.

Божхона кодексига киритилган яна бир ўзгартириш давлатимиз раҳбарининг оқориди номи қайд этилган Фармонида белгиланган юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш вазифасидан келиб чиқади. Маълумки, Божхона кодексининг 131-моддаси биринчи қисмида юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари, бошқача айтганда, жарималар қўлланилиши назарда тутилган эди. Божхона соҳасига оид қонунбузарликлар учун жавобгарликни белгилловчи моддалар бир вақтнинг ўзида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, янги қонун билан мазкур кодексга ҳам ўзгартишлар киритилган. Бу ҳудди шунга ўхшаш нормаларнинг Божхона кодексидан чиқариб ташла-нишига олиб келди.

Энг муҳими, ушбу қонун меъёрларининг амалда самарали татбиқ этилаётгани турли сабабларга кўра, жиний қилмишга қўл урган кимсалар қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳаётда яна тўғри йўлга тушиб олишида муҳим ўрин тутмоқда. Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, И.Раҳимова (исм-шарифлар шартли) нафс қутқусига учиб, товламачилик жиноятига қўл уради.

У Пахтакор тумани ички ишлар бўлими томонидан Шерзод Қодировга нисбатан кўзгатишган жиноят иши бўйича "ҳеч қандай даъвоим йўқ" деган мазмундаги тилҳақ эзиб бериш эвазига, товламачилик йўли билан унинг амакиси Н.Қодировдан 15 миллион сўм пул талаб қилади ва жабрланувчини пулни беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўяди. Шу йилнинг 14 март кунини соат ўзи саккизларда туман ҳудудидан ўтган "Тошкент-Термиз" йўлида И.Раҳимова Н.Қодировдан товламачилик йўли билан пулни олган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади ва 15 миллион сўм пул ашёвий далил тарихидаги ҳужжатлаштириб олинади.

Суд дастлабки тергов идораси томонидан И.Раҳимовага қўйилган шартнома (контракт)ни бекор қилиш тўғрисида қўлла-ниш ҳақида"ги қароридан иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигининг қонунчилигини текширишда касаб-а уюшмаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг розилиги олинганлигини чуқур текшириш лозимлиги юзасидан тегишли раҳбарий тушунтириш берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаб-а уюшмалари Меҳнат кодексининг 20-моддаси талабидан келиб чиқиб, меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида ходимларнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилиш тўғрисида қўлла-ниш ҳақида"ги қароридан иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигининг қонунчилигини текширишда касаб-а уюшмаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг розилиги олинганлигини чуқур текшириш лозимлиги юзасидан тегишли раҳбарий тушунтириш берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаб-а уюшмалари Меҳнат кодексининг 20-моддаси талабидан келиб чиқиб, меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида ходимларнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

Яъни янги жорий қилинган тартиб бўйича шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарихидаги қарорнинг процессуал мажбурият чораси фақат суднинг ажрими (санкцияси) асосида қўлланилади.

Бир сўз билан айтганда, бу механизмнинг жорий қилиниши ҳам, албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ёкутхон ХАЙДAROVA,** жиний ишлари бўйича Миробод тумани судининг раиси

*Bag'rikenglik*

# Инсонпарварлик тамойиллари

## айбдорнинг қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олишида муҳим ўрин тутади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида etkazилган моддий зарар қопланган тақдирда, 173, 175, 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида etkazилган моддий зарар уч барабар қилиб қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, ушбу қонун меъёрларининг амалда самарали татбиқ этилаётгани турли сабабларга кўра, жиний қилмишга қўл урган кимсалар қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳаётда яна тўғри йўлга тушиб олишида муҳим ўрин тутмоқда.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, И.Раҳимова (исм-шарифлар шартли) нафс қутқусига учиб, товламачилик жиноятига қўл уради.

У Пахтакор тумани ички ишлар бўлими томонидан Шерзод Қодировга нисбатан кўзгатишган жиноят иши бўйича "ҳеч қандай даъвоим йўқ" деган мазмундаги тилҳақ эзиб бериш эвазига, товламачилик йўли билан унинг амакиси Н.Қодировдан 15 миллион сўм пул талаб қилади ва жабрланувчини пулни беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўяди. Шу йилнинг 14 март кунини соат ўзи саккизларда туман ҳудудидан ўтган "Тошкент-Термиз" йўлида И.Раҳимова Н.Қодировдан товламачилик йўли билан пулни олган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади ва 15 миллион сўм пул ашёвий далил тарихидаги ҳужжатлаштириб олинади.

Суд дастлабки тергов идораси томонидан И.Раҳимовага қўйилган шартнома (контракт)ни бекор қилиш тўғрисида қўлла-ниш ҳақида"ги қароридан иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигининг қонунчилигини текширишда касаб-а уюшмаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг розилиги олинганлигини чуқур текшириш лозимлиги юзасидан тегишли раҳбарий тушунтириш берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаб-а уюшмалари Меҳнат кодексининг 20-моддаси талабидан келиб чиқиб, меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида ходимларнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Huquqiy ma'rifat*

# Мерос мол-мулк

## у қандай тартибда эгасиз деб топилади?

Ҳаётда баъзан қуттилмаган воқеалар оқибатида муайян мол-мулк эгасиз қолиши мумкин. Ҳўш, бундай вазиятда мол-мулк қандай тартибда эгасиз деб топилади?

Агар қонун бўйича ҳам, вазиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси воқеа тарихида қайи бўлмаса, агарда уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларнинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

**Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги ариза мол-мулк органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга берилади. Аризада қайси мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш лозимлиги кўрсатилиши шарт. Шунингдек, мол-мулк (ашё) эгасини белгилашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши зарур.**

**Суд мол-мулкнинг (ашёнинг) мулкдори йўқ ёки номалум деб топа, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ва уни давлат мулкига ўтказиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.**

мованинг жиний ҳаракати Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб топди. И.Раҳимовага нисбатан жазо тайинлашда унинг қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини эътироф этди. Судланувчининг айбига тўлиқ иқроолиги, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлиги, ҳали ёш эканлиги, унга нисбатан жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, муқаддам судланмагани, яшаш жойидан шахси ижобий тавсифланганини инобатга олди.

Айтиш керакки, суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 5-бандидаги "Судлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар таъинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак" деган раҳбарий тушунтиришларига асосланган ҳолда Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, И.Раҳимовага ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларимизда ўзининг аниқ ифодасини топган инсонпарварлик тамойиллари адашган шахсларнинг тўғри йўлга тушиб олиши, хатосидан тўғри хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

**Элёр АбДУВАЛИЕВ,** жиний ишлари бўйича Янгиобод тумани судининг раиси

**Абдухамид АБДУБЕРДИЕВ,** "Куч — адолатда" муҳбири

**Маълумки,** фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимояси таъминланган жамиятда тинчлик, осойишталик ҳукм суриб, халқнинг турмуш фаровонлиги кун сайин юксалиб бораверади. Бу фикрнинг тасдиғини мустақил мамлакатимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Биргина аҳолини иш билан таъминлаш соҳасини оладиган бўлсак, бу борада меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳар бир фуқаронинг адолатли меҳнат

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари

## муносиб ҳимоя қилинмоқда

шароитларида ишлашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунингдек, меҳнат соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани амалда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза

қилиш тўғрисида"ги қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилимоқда. Бинобарин, меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишда, иш берувчи ва ходимлар ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этишда касаб-а уюшмалари, уларнинг корхоналардаги сайлаб қўйилган органлари гоътада муҳим

ўрни тутади. Зотан, Меҳнат кодексининг 101-моддасида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда касаб-а уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларнинг розилигини олиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 1998 йил 17

# мажбурлов чораси

## у қандай тартибда қўлланилади?

Бундай мажбурлов чоралари жиний жазодан ўзига хос асослари ва мақсадлари, мазмуни ва юридик оқибатлари билан фарқ қилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Жиноят кодексининг 92-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексда белгиланган тартибда қўлланилади.

Айтиш керакки, Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгаридан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-

ни ривожлантириш концепциясида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга санкция бериш ваколати фақат судларга берилиши тақлиф қилинди. Шу муносабат билан 2012 йил 18 сентябрда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган ҳақда амалдаги Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва

қўшимчалар киритилди. Аниқроқ айтганда, Жиноят процессуал кодексининг 266-моддасига биноан, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асос мавжуд бўлган тақдирда прокурор, терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради. Терговчининг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади. Терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш

Hikmat

Донолар дейдиларки

Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳнинг ортиши.

Меҳнатни севмаган одам турли ёмонликларни қилишга тайёрдир.

Ҳасад — юракнинг занглаши, ўжарлик — манглабият сабабчиси.

Бир-бирдан норози бўлган икки кишини келиштириш учунгина айтилган ёлгон сўз улар орасига совуқлик тушириш учун айтилган рост сўздан кўра хайралиғур.

Инсонга ҳаракатчанлик ва интилиш йўлдош бўлмас экан, қобилиятнинг бир ўзи ҳеч нарса келтирмайди.

Олтин ва қумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки касб-хунарсиз киши камбағалдир.

Ўз фарзандингни яхши хуққ-оғобли ва ақлли бўлишга ўргат. Қимчи ёшлиқдан яхши хуққ-оғоб эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилиб бўлмайди.

Jamiyatimiz maqsadi

Оила фаровонлигининг муҳим кафолатлари



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрли розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофазат қилиниши ўз ифодасини топган.

Шунингдек, амалдаги Оила кодекси ва бошқа қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам бу қонда ва тартиблар қатъий белгилаб қўйилган.

Оила кодексининг 1-моддасида оила мустақамлигини таъминлаш соҳага оид қонунчиликнинг муҳим вазифаси ва мақсади эканлиги қайд этилган. Кодексга биринчи марта никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланиши, қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар ва бош-

қа қатор муҳим қондалар киритилди.

Кейинги йилларда оила институти мустақамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим. Бу жараёнда, биринчи навбатда, ёш оилаларга эътибор ва гамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда 2012 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда. 2012 йилда 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил бу борадаги ишлар давлат эътириллимоқда. Ана шундай уйлари сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Етуқ ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оила институтининг таълим ва тарбия муасса-

салари билан амалий ҳамкорлигини мустақамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир. Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва "Баркамол авлод" болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўғрақларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Оила мустақамлиги унинг моддий барқарорлигига ҳам боғлиқ. Шу боис одамларнинг ҳалол меҳнат билан даромад топиши, оиласининг тўқилигини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлат томонидан аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастур ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам ана шу эзуқ мақсадга хизмат қилаётир.

Тадбиркорлик, қасаначилик, хунармандлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда ўз самараларини бераётир. 2012 йил 26 апрелда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани оилавий бизнесни қонуний жиҳатдан белгилаш ва ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, шу асосда оилавий қорхонага кичик тадбиркорлик субъекти мақоми берилди. Улар ўз тўлиқ фирма номига эга бўлиши мумкинлиги уларнинг иқтисодийёта тенг ҳуқуқ асосида эркин фаолият юритишига кенг йўл очди. Оилавий қорхона фаолияти эркинлигининг кафолатлари қўра, давлат оилавий қорхонанинг ҳуқуқларида ривож этилиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, давлат органлари уни ривожлантириш ва мустақамлашга кўмаклашади.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар юртимиздаги ҳар бир оиланинг ҳаёти, турмуш фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Матлуба МИРЗААБДУЛЛАЕВА

Garoyib olam

Бугунги кунда дунё миқёсида олиб қараганда, одамларнинг бир-бири билан ўзаро мулоқоти аста-секин қозоқан интернет саҳифаларига кўчиб бораётганини кўриш мумкин. Албатта, бу техника тараққиёти яратган чексиз имкониятлардан биридир. Аслини айтганда, одамларнинг бир-бирига мактуб йўллаши ўзига хос узоқ тарихга эга. Қуйида айнан мактубларнинг гаройиб тарихи ҳақида ҳикоя қиламиз.

Биз билган ва билмаган дунё



ТАРИХДА ҚОЛГАН ФАРОЙИБ МАКТУБЛАР

Айтиш керакки, мисрлик тарихчилар яқинда инсоният тарихидаги энг қадимги мактублардан бирини топишга муваффақ бўлишди. Маълум бўлишича, қадимда бир йигит яхши кўрган қизига дил изҳорларини тўкиб, хат ёзган. Бирок йигитнинг мактуби қизга етиб борган ёки борманганлиги аниқ эмас. Чунки йигит юрагини жўштирган туйғуларини қозғода эмас, балки 16 кило келадиган тошга уйиб ёзган. Албатта, бугунги кунда бу топилма новб ёдгорлик сифатида музейда сақланмоқда.

1862 йилда буюқ ёзувчи Виктор Гюго ўзининг энди босмадан чиққан асарига ўқувчиларнинг муносабатини билиш мақсадида наشريёт раҳбарига телеграмма жўнатибди.

Хайратланарлиси шундаки, бу телеграммада биргина сўроқ белгиси бор эди. Нашриёт раҳбари ҳам гап нимада эканлигини дарров англайди ва у ҳам ёзувчига зўқоқ билан жавоб қайтарди. Яъни жавоб телеграммасида ҳаммаси яхши деган маънода биргина ундов (!) белгисини қўяди. Чамаси, ёзувчи ва ношир ўртасидаги бу ёзма инсоният тарихидаги энг қисқа ва лўнда ёзишма бўлса, ажаб эмас.

Бир кун машур бастакор Моцартнинг дўстларидан бири ҳазил тариқасида унга катта бир тугун юборди. Унда куйидаги мазмундаги мактуб бор эди, холос: "Азизим, Вольф Ганг! Мен соғ-омонман".

Орадан бир неча кун ўтгач, Моцарт ҳам унга жавоб йўлайди. Яъни дўстига катта кутти жўнатилади. Куттида эса, Зил-замбил тош ва кичкинагина бир мактуб бўлиб, унда куйидаги сўзлар битилган эди: "Азизим, сенинг соғ-омонлигингни билгач, елкамдан мана шундай тош ағдарилди".

Дунёда машур ёзувчи Артур Конан Дойлнинг асарларини ўқимаган одам кам топилади. Айниқса, ёзувчининг асари бож қасрамини, хусусий изкувар Шерлок Холмс ҳаммага яхши таниш.

Хозир гап Шерлок Холмсинг маҳорати ҳақида эмас, балки бутунлай бошқа нарса тўғрисида. Аниқроқ айтганда, бу асар яратилганига кўп йиллар бўлган қарамай дунёнинг турли мамлакатларидан хозир ҳам Лондон почтасига "Бейкер-стрит, 221 Б Шерлок Холмсга", деб ёзилган мактублар келиб туради.

Бугунги суҳбатимиз мактублар тарихи ҳақида экан, булар, албатта, почта хизмати ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, АҚШ почта хизмати жўнатмаларни қабул қила бошлаганига бу йил роппа-роса 100 йил тўлди. Айтиш керакки, АҚШда почта хизмати фаолияти йўлга

қўйилган дастлабки йилларда гаройиб воқеалар ҳам юз берган. Масалан, Юта штатидаги ишбилармонлардан бири почта орқали қурилиш материалларини юбориб, ўз банкнинг биносини қуриш гоясини амалга оширишни кўзлаган. Буни қарангки, ундагон ишбилармон бир неча ой ичида 670 километр узоқликда жойлашган она шахрига 80 минг донга гишт юборади. Аммо охир-оқибат бундан хабар топан почта хизмати маъмурияти бир кунда юборилиши мумкин бўлган жўнатма оғирлигини 91 килода чеклаб қўяди. Юз йил муқаддам амалга жорий этилган бу қонда ҳозир ҳам қўлланилади.

Хеч кимга сир эмас, қадимда одамлар мактубларни манзилга етказишда қабутларнинг хизматидан нулли фойдаланишган. Буни қарангки, техника юксак даражада тараққий этган хозирги даврда ҳам қабутлар хизматидан фойдаланилмоқда. Масалан, Англия ва Франциянинг чекка ҳудудларидаги касалхоналарда беморларнинг қон таҳлил қўяди. Чамаси, ёзувчи ва ношир ўртасидаги бу фойдаланишда.

XVII-XVIII асрларда Англияда океан ёки денгиздан топилган шишадаги хатларни ўқиш учун махсус лавозим жорий этилган. Агар кимдир океандан топилган шиша идишдаги хатни ўзбошимчалик билан очиб, ўқишга журъат этса, у ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Германияда почта хизмати ўта аниқ фаолият юритиши билан машур. Лекин баъзан улар ҳам янглишар экан. Масалан, қўшни Австриянинг Нойкирхен-Вальд шахарчасида яшовчи аёлга орадан оз эмас, нақд эллиқ йил йил ўтгач, бир пайтлар унинг номига ёзилган хатни тутқизишди. Бу хат 1947 йилда АҚШ харбий мазмурияти томонидан ёзилган бўлиб, унда Германия ҳудудида америкалик аскарлар асирликка олган ҳарбийдан тинтув пайтида чиққан 162 маркани унинг хотини номига жўнатилгани маълум қилинган.

Бу хатнинг бунчалик узоқ дунё кезганига асосий сабаб унда юборилаётган манзилнинг янглиш ёзилганидир. Яъни хатда манзил "Нойкирхен-Вальд" эмас, балки "Нойкирхен-Фом-Вальд" деб ёзилган. Бу ҳам етмагандек, бу худуд Австрияда жойлашгани ҳам қайд этилмаган. Шунинг учун бу хат аввал ГФРнинг, сўнг ГДРнинг "Нойкирхен" номи билан аталуви бутун қишлоқ ва шахарларини "кезиб чиққан".

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА таяёрлади.

Fuqarolik qonunchiligi

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари

муносиб ҳимоя қилинмоқда

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Шу ўринда ҳаётини мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Навойи вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фуқаро А.Ганиевнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Булдуршин" МТМнинг 2012 йил 16 октябрдаги 70-сонли буйруғини ноқонуний деб топиш, А.Ганиевни ишга тиклаш ҳамда мажбурий бекор юрган кўнлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Аниқланишича, фуқаро А.Ганиева 2012 йилда ўз вазифасидан озод қилинган бўлса-да, унга буйруқ нухсаси ўз вақтида берилмаган. Бу ҳам етмагандек, иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабига риоя этилмаган.

Л.ТОШМУРДОВ, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг раиси

Бу ҳаётда қонун талабидан келиб чиқиб фаолият юритадиган, белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий амал қиладиган киши сира кам бўлмайди. Аммо орамизда нафс қутқусида ноқонуний ишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай кимсалар охир-оқибат қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Буни қуйидаги мисол ҳам яққол тасдиқлайди.


"Халк" банкнинг Фузор тумани филиалида бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган Зокир Аллаев, банкнинг пластик қарточкалар бўйича мутахассиси Даврон Жалилов ҳамда банк ходими Фарход Умиров (жиноят ишининг Ф.Умиров ва бошқаларга оид қисми алоҳида иш юритувчига ажратилган)ларга банк маъмурияти катта ишонч билдириб, уларни маъсۇл лавозимларга тайинлаган эди. Афсуски, аввалига туппа-тузук фаолият юритиб келган бу кимсалар кейинчалик ўзларига билдирилган ишончни суистеъмол қилиб, турли қингириқларга қўл уришди. Аниқроғи, улар бирон-бир тасдиқловчи ҳужжатларсиз, маблағларни кириш қилиш электрон дастурини қасддан, гараз ва паст ниятларда бузиб, компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда гайриқонуний равишда фуқароларнинг пластик қарточкаларига ўтказиш йўли билан кўп миқдордаги банк маблағини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек,

бу нопок кимсаларнинг қилмишлари ҳам охир-оқибат ошқор бўлди. Натижада банкнинг 2009 йил 21 декабрдан то 2012 йил 1 январгача бўлган фаолияти ўрнига чиқилганда юқорида номлари зикр этилган кимсалар 168 миллион 217 миң 402 сўм миқдордаги маблағни ўзлаштиришгани маълум бўлди.

Албатта, нафс қутқусига учиб, жиноий қилмишга қўл урган, қингириқнинг қийиғи фош бўлган эса, "билмай қолибмиз", "этиборсизлик қилибмиз" дея важ-қорсон тўқийдиган кимсаларни асло оқлаб бўлмайди. Зотан, мазкур қилмишга қўл урган нопок кимсалар ҳам суриштирув ва дастлабки тергов асносида турли баҳоналарни рўқач қилиб, сувдан қуруқ чиқишга

Jinoyatga jazo muqarrar

Эгри йўлнинг охири



Суд очерки

бу нопок кимсаларнинг қилмишлари ҳам охир-оқибат ошқор бўлди. Натижада банкнинг 2009 йил 21 декабрдан то 2012 йил 1 январгача бўлган фаолияти ўрнига чиқилганда юқорида номлари зикр этилган кимсалар 168 миллион 217 миң 402 сўм миқдордаги маблағни ўзлаштиришгани маълум бўлди.

Албатта, нафс қутқусига учиб, жиноий қилмишга қўл урган, қингириқнинг қийиғи фош бўлган эса, "билмай қолибмиз", "этиборсизлик қилибмиз" дея важ-қорсон тўқийдиган кимсаларни асло оқлаб бўлмайди. Зотан, мазкур қилмишга қўл урган нопок кимсалар ҳам суриштирув ва дастлабки тергов асносида турли баҳоналарни рўқач қилиб, сувдан қуруқ чиқишга

ҳарчанд уринишмасин, исбот талаб қилмайдиган факт ва далиллар уларнинг қилмигини яққол кўрсатиб берди.

Суд ҳайъати мазкур жиноят ишини атрофлича муҳокама этиб, судланувчилар Зокир Аллаев ва Даврон Жалиловга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш билан бирга, улар талон-торож қилган 168 миллион 217 миң 402 сўм миқдоридидаги маблағнинг маълум қисми қопланганини этироф этган ҳолда, қопланмай қолган 98 миллион сўм маблағни судланувчилардан солидар тартибда ундириш лозим, деган тўхтамга келди.

Ҳа, ўйламай босилган қадам, мулоҳаза қилинмай қабул қилинган қарор кишини тўғри йўлдан оздириши ҳеч гап эмас. Шу боисдан ҳам ҳар бир ишга маъсулият билан ёндашган, қонун доирасида фаолият олиб борган кишининг турмушдан хузур-ҳаловат, роҳат-фароғат аримаслигини доимо ёдда тутиш лозим.

Ахрор ҲОҲПОРОВ, жиноят ишлари бўйича Фузор тумани судининг раиси Абдунаби БОБОЕВ, "Куч-адолатда" мухбири

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Бўритош МУСТАФОВ, Шоноунс ГАЗИЕВ, Қўчор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ХИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ХАМРОЕВ, Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56. Буюртма: Г-1116. Қозғоқ бичими: А-2. Ҳажми 2 Босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6078. 1 2 3 4 Топшириш вақти: 21<sup>00</sup> Топширилди: 21<sup>30</sup>